O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ANDIJON VILOYATI OLTINKO‘L TUMANI HOKIMINING

QARORI

2023 - yil 3 - mart 26-1-15-Q/23 Oltinko‘l tumani hokimligi

Туман ҳудудидаги юридик ва жисмоний шахсларга тегишли автотранспорт воситалари ва уларнинг тиркамаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 09 мартдаги 125-сонли қарори билан тасдиқланган “Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги Низоми тасдиқлаш ҳақида”ги қарори қарори ижросини таъминлаш мақсадида, туман ички ишлар бўлимининг 2023 йил 13 февралдаги 6 сонли хатини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси **“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”**ги Қонунининг 6,29-моддаларига асосан,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н

1.Олтинкўл тумани ички ишлар бўлими йўл ҳаракати хавфсизлиги гурухининг 2023-йил 6 феалдаги “Юридик **ва жисмоний шахсларга тегишли автотранспорт воситалари ва уларнинг тиркамаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида”**ги хати маълумот учун қабул қилинсин.

2.Тумандаги корхона, ташкилот, муассаса ва фуқароларнинг транспорт воситаларини қайд қилиш, мажбурий техник кўрикдан ўтказиш, туман ички ишлар бўлимининг йўл ҳаракати хавфсизлиги гурухи (Н.Акбаров)га Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 09 мартдаги 125-сонли қарори билан тасдиқланган “Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги Низоми тасдиқлаш ҳақида”ги қарори

талабларига амал қилиш юклатилсин.

3.Техник кўригини ўз вақтида ва сифатли ўтказиш учун тузилган ишчи гуруҳи таркиби 1-иловага, техник кўрикдан ўтказиш жадвали 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4.Қарор матини тумандаги **“Олтинкўл”** рўзномаси саҳифасида чоп этилсин ва туман ҳокимлигининг расмийвеб-сайтига жойлаштирилсин.

5.Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан ҳокимнинг 2021-йил 22 декабр кунги 85-1-15-Q/21 сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6.Мазкур қарор матбуотда эълон қилинган кундан кучга киритилсин.

7.Ушбу қарорнинг бажаралишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Мамажонов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **М.Обидов**

Oltinko‘l tuman hokimining
2023 yil 3 martdagi
26-1-15-Q/23-son qaroriga
1-ilova

Тумандаги ташкилот, корхона ва муассасалардаги автотранспорт воситалари, трактор ва уларнинг тиркамаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш бўйича тузилган комиссия

Т А Р К И Б И

1	Н.Акбаров	-	Туман ИИБ ЙҲХГ катта инспектори капитан, комиссия раиси
2	А.Каримов	-	Автомотохаваскорлар жамияти туман кенгаши раиси, комиссия раҳбарининг ўринбосари
А Ъ З О Л А Р И			
3	Б.Улканов	-	Туман мудофаа ишлари бўлими бошлиғи
4	И.Сулаймонов	-	Прократура ҳузуридаги қишлоқ хўжалиги инспекцияси бошлиғи
5	Лавозими бўйича	-	Туман қишлоқ ва сув ҳўжалик бўлими мутахассиси
6	Ш.Ғанижонов	-	Автомотохаваскорлар жамияти туман кенгаши инструктори

Oltinko‘l tuman hokimining
2023 yil 3 martdagi
26-1-15-Q/23-son qaroriga
2-ilova

Тумандаги ташкилот, корхона ва муассасаларга автотранспорт воситалари, трактор ва уларнинг тиркамаларини 2023 йил мажбурий техник кўрикдан ўтказиш

Ж А Д В А Л И

№	Ташкилот ва муассасалар номи	Мажбурий техник кўрик ўтказиш кунлари
1	Водий газ таъминоти туман филали	01.03.2021-й
2	МКТ Ватанпарвар	05.03.2021-й
3	Ободонлаштириш туман бўлими	11.03.2021-й
4	Туман хокимлиги	16.03.2021-й
5	Олтинкўл ТЙФУК	20.03.2021-й
6	Тумандаги Банклар	30.03.2021-й
7	Туман касб хунар мактаблари	05.04.2021-й
8	Туман халқ таълим бўлими	10.04.2021-й
9	Туман макетабгача таълим бўлими	15.04.2021-й
10	Олтинкўл қишлоқ ва сув хўжалиги	20.04.2021-й
11	Тумандаги агротехсервислар	25.04.2021-й
12	Қишлоқ хўжалик кимё	30.04.2021-й
13	Туман СЭОМ	04.05.2021-й
14	Тиббиёт бирлашмаси	10.05.2021-й
15	Туман СИЧ ОАЖ	15.05.2021-й
16	Туман БК ва АИМҚ	25.05.2021-й
17	Туман молия бўлими	31.05.2021-й
18	Тумандаги фермер хўжаликлари	05.06.2021-й
19	Тумандаги мавжуд МЧЖлар	10.06.2021-й дан 26.06.2021-й гача
20	Тумандаги мавжуд Х/К	20.06.2021-й дан 26.06.2021-й гача
21	Бошқалар	27.06.2021-й дан 30.06.2021-й гача